



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 8 ноябрь, № 231 (7189)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга, соғлиқни сақлаш давлат тизимининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг миллий тизимини жадал ривожлантириш ишларини тизимли ва сифатли ташкил этиш учун умумий амалиёт врачларининг, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг, кишлоқ врачлик пунктлари, шовилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг лавозим маошлари оширилди, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида меҳнатни рағбатлантиришнинг бозор усуллари белгиланди.

Тиббиёт ходимлари меҳнатини баҳолашнинг ҳамда улар оладиган иш ҳақи ва мукофотнинг бажариладиган ишнинг мураккаблиги ва кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатига аниқ ва бевосита боғлиқлигини таъминлашнинг илғор механизми жорий этилди.

Шу билан бирга, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтариш зарур бўлган шароитда тиббиёт соҳасини бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришни давом эттириш, уларнинг касбий даражасини ошириш учун муносиб шарт-шароитлар ва рағбатлантирувчи омиллар яратиш масалалари давлатнинг диққат марказида турибди.

Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, юксак профессионал кадрлар салоҳиятини шакллантириш мақсадида:

1. Давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 2018 йил 1 декабрдан **1,2 баравар** ва 2019 йил 1 апрелдан **1,15 баравар** босқичма-босқич оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида 2019 йил 1 июлгача бўлган мuddатда тиббиёт ва

фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш бўйича куйидагиларга йўналтирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг лавозимига ва малакасига, кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг мураккаблиги ва жавобгарлик даражаси, шунингдек, даволаш-профилактика муассасалари ихтисослигига қараб **базавий лавозим маошларини жорий этиш;**

тиббиёт ходимлари фаолиятини ва меҳнати унумдорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини, шу жумладан, даволанган беморлар электрон статистикасини босқичма-босқич татбиқ этиш ва беморлар ўртасида онлайн сўровлар ўтказиш орқали жорий этиш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини тубдан қайта қўриб чиқиш, улар бажарадиган ишлар сифати, эришиладиган натижалар ва кўрсатилган тиббий хизматларга жамоатчилик томонидан берилган баҳолашга қараб уларга ҳақ тўлашни таъминлаш;

тиббиёт муассасалари раҳбарларига алоҳида ўрнатилган вазирларга Тиббиёт

ташкilotларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тариф ставкасининг 100 фоизига** бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш ҳуқуқини бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори оширилиши муносабати билан давлат тиббиёт муассасаларининг қўшимча харажатлари молиялаштирилишини, 2019 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган зарур маблағлар назарда тутилишини;

2020 йилдан бошлаб Тиббиёт ташкilotларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмлари босқичма-босқич оширилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда).



Ҳукумат соати:

КУЗ-ҚИШ ДАВРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида таркиб топган янги аънага кўра, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан, 2018 йил 7 ноябрь кунини наватдаги "Ҳукумат соати" ўтказилди.

Депутатларнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини ўрганиш юзасидан олиб борган ишлари ҳамда жойларда аҳоли томонидан кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, қуйи палатадаги депутатлар бирлашмалари таклифларига кўра, "Ҳукумат соати"да кўриб чиқиш учун иккита масала — "2018/2019 йиллар куз-қиш даврида коммунал соҳа ташкilotлари, қозонхоналар, кўп хонадонли тураржой бинолари

ва ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисида"ги ҳамда "2018/2019 йиллар куз-қиш даврида аҳолини турдаги кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда бу борадаги заҳирани шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг бориши тўғрисида"ги масалалар киритилди.



Нигоҳ

Рўзномалар ўқисам, шавқим-завқим келади



Ҳа, ростдан ҳам, газета китобдан олдин ўқилади. Одам боласи ўқиб билан тирик. Мен дунё ва одамларни гоҳ онгим, гоҳ қалбим билан англайман. Рўзнома бўлмаса, рўзнома ўқимасам, мамлакат, халқ, жамият ва улар ичида дам сайин, дам-бадам яратилаётган, қайнаб, тошиб, вулқондек отилиб чиқаётган ранг-баранг воқеаларни бошқа қайдан топаман?

Рўзномаларнинг — "Халқ сўзи" ва "Народное слово", "Правда Востока", "Ишонч", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Миллий тикланиш", "XXI аср", "Маърифат"нинг оқ, олижаноб саҳифаларида баён қилинаётган ҳодиса-xabарларни ақлим, юрагим, дунёқарашимга эшу ошно қилмасам, маърифатимга маърифат, фикримга фикр, зикримга зикр, тийнатим, маънавиятимга маънавият ва тийнат қўшмасам, ўзимни қандай шу замон кишиси санайман? Рўзномалар орқали инсониятлик, одамийлик бойликларимга ҳар он, ҳар сония бойликлар етказмасам, бойимасам, бойитмасам ва филжумла, файласуф,

Рўзнома — газета, бу асли — азамат, ҳеч чарчоқ билмайдиган тарбиячи, мураббий.

донимшанд шоиримиз, хассослар хассоси мавлоно Максуд Шайхзода таърифича айтсам, "ғўзаллик ходими" эканлигим қаерда қолади?

Улуғвор ҳимматлар замонасида, Чин ишдан туғилган афсонасида — Ғўзаллик ходими бўлсин юрак, Замоннинг гувоҳи — дафтари кўрак.

Менинг идеалим — асли мана шу, яъни улуғ шоирнинг ўлмас лутфидек, "ғўзаллик ходими" бўлиш. Онгим ва юрагимни шу мақомда, шу маромда тарбиялаш! Ўқиганларим, билганларимдан ишонч ҳосил қилганманки, рўзнома — газета, бу асли — азамат, ҳеч чарчоқ билмайдиган тарбиячи, мураббий.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Фермер хўжаликлариди ҳисоб тизими натижадорликни кафолатлайди

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июлдаги "Фермер хўжаликлариди ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида Фермер хўжаликлариди бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Хўш, айна пайтда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бундай марказлар фермер хўжаликларини ишини энгиллаштира оляптими? Бу борада йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларни қандай бартараф этиш мумкин?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йилгида ушбу саволларга жавоб изланди.

Депутатлар, экспертлар, тегишли вазирлик ва идора-

лар мутахассислари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг қорондида қарорига биноан, ўтган вақт мобайнида Фарғона вилоятининг 15 та, Самарқанд вилоятининг 14 та тумани фермер хўжаликлариди ана шундай муҳим тузилма — бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари ташкил этилиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган.



Ҳамкорлик

Парламентлараро муносабатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади

Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси парламенти делегацияси Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши таклифига биноан Россия Федерациясига ташриф буюрди.

Федерация Кенгаши Раиси В. Матвиенко билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамда иттифоқчилик алоқаларини ривожлантириш жараёни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Россия Президентининг жорий йил октябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи бунинг яққол тасдиғи бўлди.

Федерация Кенгаши билан ҳамкорлик Сенат ташқи алоқаларининг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Шу боис ўзаро мулоқотларда давлат раҳбарларининг икки томонлама келишувларини амалга оширишда парламент ресурсларидан фойдаланиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни шакллантириш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу, шубҳасиз, парламентлараро алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган барча вазифаларни бажариш учун асос бўлади.

Матбуот учун қўшма баёнотда Ўзбекистон ва Россия парламентлари юқори палаталарининг раислари бўлиб ўтган икки томонлама мулоқот натижаларидан мамнун эканини билдириб, эришилган натижалар парламентлараро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.



Конференция

Демократик янгиланиш жараёнида аёлларнинг роли:


Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Пойтахтимизда "Мамлакатнинг демократик янгиланиши ҳамда модернизациясида аёлларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўттизга яқин давлатлардан хотин-қизлар масаласи билан боғлиқ нодавлат но-тижорат ташкilotлари вакиллари, халқаро экспертлар, сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол бўлган аёллар қатнашган ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон аёлларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ўрни, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини халқаро ҳамжамиятга таништириш ва ўз навбатида, хориж тажрибасини ўрганиш масалаларига эътибор қаратилди.

Аёлнинг нафақат оилада, балки жамиятдаги ўрнини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш биргина Ўзбекистон эмас, балки дунё миқёсидаги долзарб вазифалардан саналади. Маълумотларга кўра, айна пайтда жаҳонда 8 на-

фар давлат раҳбари аёллар ҳисобланади. Вазирлар ва вазир ўринбосарлари лавозимига иш олиб бораётган аёллар 16 фоизни ташкил этса-да, улар, асосан, таълим, соғлиқни сақлаш ва болалар ҳуқуқлари каби ижтимоий соҳаларни бошқаришда. Халқаро келишувларда давлат бошқаруви ва парламентда аёлларнинг улуши 30 фоиздан кам бўлмаслиги қайд этилган бўлса-да, дунё миқёсида бу кўрсаткич 20 фоиздан ошмаяпти. Анжуман доирасида бунинг асосий сабаблари муҳокама қилинди. Хотин-қизларнинг салоҳиятини тўлақонли рўйбга чиқариш учун давлат ҳамда ҳукумат томонидан қандай сая-ҳаракатлар ва ташаббуслар ишга солинаётгани ҳамда унинг самарадорлиги хусусида сўз борди.



Таклиф дардчил, топшириқ халқчил бўлди

Натижа эса бойсунликларни беҳад қувонтирди.

Одамларни тинглаш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис давлатимиз раҳбари қаерга бормасин, халқ орасига кириб, уларнинг дарду ташвишлари билан қизиқади.

Президент ташрифидан сўнг



2018 йил. Январ ойининг 19-20-саналари. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида худудда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш баробарида, кимда қандай муаммо борлиги билан қизиққан эди. Йилгида Бойсун туманидан бир отахон сўзга чиқиб, ичимлик суви таъминоти ҳақида гапирганди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

5. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларини этиб белгилансин:

а) куйидаги миқдорларда ажратилган ажратмалар:

давлат тиббий муассасалари томонидан пуллик асосда кўрсатилган тиббий хизматлар, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари хизматлари учун тушумлар миқдорининг 2 фоизи;

олий тиббий таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган пуллик ўқиш контрактлари бўйича тушумлар миқдорининг 5 фоизи;

олий тиббий таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган ўқиш контрактларининг оширилган ставкаси бўйича тушумлар миқдорининг 10 фоизи;

фармацевтика ва тиббий фаолияти билан шугулланиш, шу жумладан, дори-дармонлар ва тиббий буюмларини чакана реализация қилиш ҳуқуқига лицензиялар олиш учун талабдорлар томонидан тўланадиган давлат божлари тизимидаги тушумлар миқдорининг 20 фоизи;

б) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эксонлари;

г) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловларнинг бошқа турлари кўринишида моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш, шунингдек, уларга санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш;

уй-жой билан таъминлашни яхшилашга сарфланадиган харажатларни, шу жумладан, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг тиббий ходимлари учун уй-жойлар қуришни ташкил этиш орқали молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва амалиёт ўтказишни, шу жумладан, уларнинг хорижий мамлакатларга таширишлари, Ўзбекистон ҳудудинан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини таъминлаш туриш;

хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

олий тиббий таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

7. Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан фойдаланган ҳолда олинган даромадлар солиқларнинг барча турларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлардан 2021 йил 1 ноябргача озод қилинсин.

8. Куйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимовнинг — тиббий ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг тубдан қайта қуриб чиқиши бўйича тақлифларни тайёрлашда масъул вазирликлар ва идоралар ишининг амалда мувофиқлаштирилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги А. К. Шодмоновнинг — Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини такомиллаштириш учун шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин, шу жумладан, Жамғарма маблағларини сарфлашнинг аниқ ва шаффоф тартибини, унинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш масалаларини назарда тутсин;

тиббий ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан тиббий муассасаларда врачликдан бошқа фаолиятни бажараётган олий маълумотли мутахассислар лавозимлари номенклатурасини қайта қуриб чиқсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. А. Абдуҳақимов ва Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 7 ноябрь

Демократик янгиланиш жараёнида аёлларнинг роли:

Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Ўзбекистонда бу борада кўп қўллаб қўллаб қўйилган ҳам алоҳида эътироф этилди. Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни кўлаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани айтилди. Унга қўра, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг турли шакллари ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ва вазибалар белгиланди.



салалардан бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, унга фақат аёллар ва эркаклар ҳуқуқларининг ўзаро тенглиги сифатида қараш нотўғри. Янада чуқурроқ ёндашилса, гендер тенглик замирида аёлларнинг мавжуд салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг бахтли ҳаёти жамиятдаги тинчлик ва фаровонлик гарови эканини англаш тушунилади. Аёл — оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлаш баробарида, фарзандлар тарбиясида етакчи куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Демак, мамлакатда гендер тенглиги ма-

Айни пайтда бутун республика миқёсида аёлларга ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш марказлари ишга туширилляпти. Республика Хотин-қизлар кўмитасининг нозик ҳилқат вакиллари турли хилдаги эърошонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида "Ишонч телефонлари" ташкил қилинди. Аммо миллат тарбиячиси бўлган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласи хали ҳам долзарб ҳисобланади.

Гендер тенглиги ва уни миллий қонунчилигимизда акс эттириш — конференцияда алоҳида қайд этилган ва жуда кўп бора мурожаат қилинган ма-

саласига ёндашувда бир томонлама муносабатлардан қочиб, аввало, аёлнинг инсоний ҳуқуқларини кафолатлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуман доирасида меҳмонлар Самарқандга таширф буюриши, шаҳарнинг тарихий обидалари билан яқиндан танишиши режалаштирилган. Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т. Нарбаева иштирок этди.

Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Рўзномалар ўқисам, шавқим-завқим келади

Кўзимнинг нури рўзномалар сатрларию дарёдек оқиб, ҳаётлар, талқинлар, таҳлилларро ҳаёт ҳақиқатларини қидиради. Уларда юрт, эл, замон ўзгаришлари худди тиниқ ойнадагидек намоён бўлади. Мен газеталар сўзлари, сарлавҳалари аролаб замон ва давр ўзгаришлари, тинимсиз янгиланиб боришлари оқимларига кириб бораман. Шу янгиликлар оқимларига кирмасам ё бунинг зум фаромуш қилсам, ўзимни замондан кечиккандек, кечикаётгандек сезаман. Улуғ орузлар, режалар билан яшаётган мамлакатимнинг нафасига ҳар дамда ҳамнафас, томирдош бўлгим келади. Бугунги кетма-кет, пайдар-пай ўртага қўйилаётган маса-

ларлар мағзи-мағзига етиб борсам дейман. Бу бир туганмас эҳтиёж. Фақат кундалик рўзномаларгина бизнинг бу маърифий, маданий, ижтимоий эҳтиёжларимизни қондириш ва бу борадаги талабларимиз, саволларимизга жавоб беришга қодир!

Масалалар рўзномаси...” эди. Масалалар ичида яшаш учун ростидан ҳам буюк эҳтиёж эди. Ҳозир эса кўпчилик қўл телефонидадан бош кўтармайди. Ҳамма нарса — энди қўл телефони! Э, бошингни кўтар, замондош! Сени не-не рўзномалар, китоблар кутаяпти! Газеталарни ташна варақлайман: замон масалалари забт билан шоир айтмоқчи, азамат дарёдек ҳаётимга кириб келади. Ўз тирик, жонли оқимига тортиб кетади. Акс садо беради.

Иброҳим ҒАҒУРОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

Ҳукумат соати: КУЗ-ҚИШ ДАВРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Мазкур масалалар юзасидан депутатлар саволларига атрафлича жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик вақтинча қўрилган ҳақда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутасадди раҳбарлари Қонунчилик палатасига тақлиф этилди.

Тадбирда ҳукумат вакиллари депутатлар томонидан қўйилган масалалар юзасидан қисқача маълумот бериб, сўнгра уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

2018 йил бошидан буён жойларга 632,7 минг донна маиший газ баллонлари, аҳоли хонадонлари учун 321 569,2 тонна суолтирилган газ, ижтимоий соҳа муассасаларига 284,9 минг тонна, аҳолига эса 433,2 минг тонна кўмир етказиб берилган. Худудларда 51,7 минг тонна кўмир захираси шакллантирилган.

Маълумки, шу йилнинг 26 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Юнусобод туманига таширфи асносида муҳим ижтимоий масалалар хусусида тўхталар экан, уй-жой фондини ривожлантириш, коммунал хизматларни яхшилаш, объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, худудларда куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини, айниқса, кўп қаватли уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини кескин танқид қилган эди.

Уз навбатида, вазир депутатларнинг танқидий руждаги саволларига жавоб қайтарар экан, бу борадаги муаммо ва камчиликларни қайта қўриб чиқиш, аввало, соҳанинг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш мақсада мувофиқ эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, вазир ахборотида қайд этилишича, 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп хонадонли тураржой бинолари ва ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жорий йилнинг 29 октябрь ҳолатига республика бўйича кўп хонадонли уй-жойларни куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш бўйича дастур билан белгиланган 7 657 та уйнинг 7 621 таси жорий ва мукамал таъмирланган, куз-қиш мавсумига тайёрланган. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан 546,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Тегишли дастур асосида 181,3 километр ичимлик суви тармоқлари мукамал ва 610,9 километр ичимлик суви тармоқлари жорий таъмирланган.

Хабарингиз бор, мамлакатимизда бу борадаги масалаларни комплекс равишда ечиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилган.

2018 йил январь — октябрь ойлари давомида электр энергияси таъминоти бўйича 2 014 та трансформатор пунктида, 5 834,2 километр электр узатиш тармоғида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилган. Аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасалари табиий газ таъминотини яхшилаш учун 41,7 километр қувур капитал таъмирланган ва 95,9 километр қувур реконструкция қилинган.

2018 йил бошидан буён жойларга 632,7 минг донна маиший газ баллонлари, аҳоли хонадонлари учун 321 569,2 тонна суолтирилган газ, ижтимоий соҳа муассасаларига 284,9 минг тонна, аҳолига эса 433,2 минг тонна кўмир етказиб берилган. Худудларда 51,7 минг тонна кўмир захираси шакллантирилган.

Мева-сабзавот, полиз, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми ҳам ортомоқда. 2018 йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 190 миллион доллар кўпроқ, яъни 587 миллион

Сўз — конференция иштирокчиларига



Наталья ГЕРМАН, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари:

— Сўнгги вақтларда Ўзбекистонга жуда кўп маротаба таширф буюрди ва бу ерда амалга оширилаётган кенг қўллаб қўллаётган яхши

хабардорман. Давлат ва ҳукумат бошқарувида кўп қўллаб қўллаб қўйилган бўлаётгани, айниқса, парламентда сенатор ва депутат аёллар мамлакат келажаги, таррақийтига оид муҳим қонунларни қабул қилишда фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. Маҳаллий бошқарув органларида ҳам улар-

нинг иштироки анча кучайган. Бу эса Ўзбекистонда мазкур йўналишда тўғри ва оқилона сиёсат олиб борилаётганидан далolat беради.

Чунки давлат миқёсидаги ислохотларда аёлларнинг кенг иштирокини таъминлаш уларнинг жамият ҳаётида мустақам ўрин эгаллашларини кафолатлайди.



Дилбар НАЗАРИЙ, Афғонистон хотин-қизлар масалалари бўйича вазир:

— Бундан 16 йил аввал Афғонистонда биронга қиз мактабга бормасди, умуман ўқитилмас эди. Бугун эса афғон қизларининг 40 фоизи таълим олмақда. Аёлларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат бошқарувида улар фаоллигини ошириш Конституциямизда белгиланган бўлиши. Айни кунда бу борада қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда 27 фоиз аёллар парламентда, 26 фоизи давлат олий ўқув юртларида ва 17 фоизи бошқа йўналишларда фаолият юритяпти. Гари Афғонистонда бу борада мавжуд муаммолар бўлишига қарамай, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилиги масаласини ҳал қилишга эришмоқдамиз.



Мелани ВЕРВИР, ЕХТнинг гендер масалалари бўйича махсус вакили:

Ўзбекистон, БМТ ва бошқа давлатларнинг бу борада бизни қўллаб-қувватлаётганидан миннатдоримиз. Тошкентда ўтказилган учрашув мандафатли алоқаларни мустаҳкамлашга, тахрибаларни ўрганишга кенг имкониятлар очиб беради.

— Аёлларнинг маҳаллий бошқарув органларидаги фаоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистонда жуда катта эътибор қаратилади. Бунинг учун квоталар ва маълум бир преференциялар ҳам ажратилган. Мамлакатнинг миллий қонунчилигига БМТнинг бу борадаги бир неча халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари, кели-

шув ва битимлари имплементация қилинган. Муҳими, мазкур жараёнда давлатнинг ўзи жуда катта ташаббускорлик қўрсатаётганидир.

Конференция аяқлари асосида қабул қилинган тақлиф ва тавсиялар ҳам юртинда хотин-қизлар масаласида олиб борилаётган давлат сиёсатини янада янги босқичга кўтариши, шубҳа-

харакатлар бошлаб юборилган. Конференциянинг ўтказилиши ҳам эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, бу борада янада янги нормаларни ўрганиш, халқаро тажрибанинг муваффақиятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

НИЗО ЮЗАГА КЕЛСА...

Тошкент халқаро арбитраж марказида ҳал қилинади

Жон МАКГОВАН, халқаро арбитр, Сорбонна университетини ўқитувчиси: — Нодавлат арбитраж устунлик жиҳатлари кўп. Биринчидан, бунда тadbиркорлар адолат ва ёпиқлик мезонларига таянишда янада кўпроқ имкониятларга эга бўлиши билан бирга, низоларни тезкор...

Яна бир жиҳат. Янги марказда низоларни ҳал этишда ўзаро келишувга кўра, хоржий давлатнинг ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин бўлади. Мисол учун, бугунги кунда Париж шаҳридаги халқаро савдо палатаси арбитраж судида кўриладиган ишларнинг 15 фоизи Англия, 10 фоизи Швейцария қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

ган давлатларнинг арбитрлари Ўзбекистонда очиладиган халқаро арбитражга арбитрликка киритилишига хоҳиш-истакларини билдирди.

Марказ ҳошида арбитраж соҳасидаги етакчи халқаро ва маҳаллий мутахассислар ҳамда жаҳоннинг эътироф этилган арбитраж марказлари арбитрларидан иборат бўлган Кузатув кенгаши ҳам ташкил қилинади.

Қисқаси, арбитраж маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши билан Ўзбекистон мазкур соҳада импортчи давлатдан чинакам экспортчи айлиниши мумкин. Чунки Марказий Осиё давлатларида халқаро арбитраж хизматларига эҳтиёж катта. Уларга ҳам ўз муаммоларини узоққа бормай, қўшни мамлакатда ҳал қилиш анча қулайдир.

Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Парламентларо муносабатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади

Сенатнинг Ахборот хизмати хабар беришича, ташриф доирасида жорий йилнинг 7 ноябрь кунин Россия Федерациясининг кўзга кўринган сийбон арбоблари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Жумладан, Россия Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин билан бўлиб ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилди, бу борада янада кўпроқ муваффақиятга эришиш учун икки мамлакатда кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида...

Ахборот ва фикр алмашилди. Шунингдек, Федерация Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳамкорлик бўйича комиссиясининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди.

Томонлар парламентларо мулоқоти янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон — Россия парламентларо комиссияси фаолиятини кучайтиришга доир масалаларни батафсил муҳокама қилди.

Ўзбекистон парламент делегациясининг ташрифи давом этмоқда.

М. АЗИЗОВА.



Мамлакат иқтисодиётига инвесторларни кенг жалб этишни истовчи ҳар қандай давлат, аввало, улар манфаатлари ва бизнесини қонун билан мустаҳкам химоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки тadbиркорлар фаолияти давомида бирорта низо чиқадиган бўлса, ҳуқуқлари муносиб ҳимоя қилинишини хоҳлаши табиий. Халқаро майдонда бу вазифани арбитрлар бажаради. Бизда-чи?

Афсуски, юртимизда мавжуд ҳақамлик судлари бундай кенг вақолатларга эга эмас. Бу эса кейинги йилларда халқаро интеграциялашув жараёнида тобора дадил қадам ташлаётган миллий иқтисодиётимиз учун айрим салбий ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Қолаверса, миллий қонунчилигимизда ханузга халқаро арбитражлар фаолиятини тартибга солинадиган норматив-ҳуқуқий база ишлаб чиқилмаган.

Юртимиздаги чет эллик инвесторлар ва маҳаллий тadbиркорлик субъектлари низоларни ҳал этиш учун Лондон, Париж, Стокгольм ёки Сингапур халқаро арбитражлариغا мурожаат қилишга мажбур бўлишяпти.

Хусусан, сўнгги вақтларда хоржий инвестиция иштирокида рўйхатга олинган 6708 та корхонага доир низо ишларининг 255 таси ўзимизда, 810 таси Париждаги арбитражда, яна 200 таси Стокгольмда кўриб чиқилган. Бу эса оз бўлмаган миқдордаги қўшимча харажат, дегани. Чунки хоржий арбитражларида кўриладиган ишлар, масалан, қиймати 1 миллион АҚШ долларига даъво аризаси учун сарфланадиган маблағлар адвокатлик хизмат...

ва бошқа чиқимларни ҳисобга олганда, ўртача 40 — 200 миң долларни ташкил этади. Ўзбекистонда халқаро арбитраж қарорларини ижро этишининг аниқ ҳуқуқий механизмлари ҳам шакллантирилмаган. Бу хоржий потенциал шерикларда миллий суд-ҳуқуқ тизимига нисбатан ишончининг етарли бўлмағлигига ва натижада инвестиция оқимининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Президентимизнинг шу йил 5 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида"ги қарори хозирча мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

ТИАСнинг очилиши нафақат хоржий инвесторлар, балки маҳаллий тadbиркорлик субъектлари учун ҳам жуда муҳим. Эндиликда улар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини халқаро арбитраж орқали, яъни бетафарқ ҳамда холис томон ёрдамида юртимизда химоя қилиш имкониятига эга бўладилар.

ХОРИЖ ДАВЛАТИДАГИ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒ. Қиймати 1 миллион долларлик даъво аризаси учун. Ўртача 40,000 — 200,000 АҚШ доллари (адвокатлик хизмати ва бошқа чиқимлардан ташқари).

ҳал этадилар. Иккинчидан, арбитражда томонларни бирдек қониктирадиган қарор қабул қилинади, натижада ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолишга эришилади. Асосийси, арбитраж қарори яқини кучга эга. Яъни у бошқа бирорта орган томонидан муҳокама қилинмайди.

унинг ичига 1,8 тонна тупроқ аралаштириб юборилганга қараганда, полиэтилен қопларда бўлган 1 тоннадан тупроқ ва қум борлиги аниқланади.

Фермер хўжалиқларида ҳисоб тизими натижадорликни кафолатлайди

Фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш марказлари томонидан жойлардаги статистика бўлимлари маълумотлари, 2018 йилда пахта ҳамда галла етиштириш режасида қайд этилган фермер хўжалиқлари сонига асосан, штат жадаллари тузилган. Унга кўра, белгиланган тартибда ҳар 20 — 22 та фермер хўжалиғига бир нафардан, яъни Фарғона вилоятидаги пахтачилик-галлачилик иختисослаштирилган 4074 та фермер хўжалиғига 202 нафар, Самарқанд вилоятидаги 9648 та фермер хўжалиғига эса 449 нафар бухгалтер ишга қабул қилинган.

галтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш марказлари томонидан бажарилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор ишларни олиб бориш таклифи илгари сурилди. Хусусан, фермер хўжалиқларида бухгалтерия бўйича таъминотчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ягона электрон дастурий таъминотни яратиш, фермер хўжалиқларида ва ушбу корхоналар ўртасида ҳужжатлар айланиши жараёнида бириктирилган бухгалтерларнинг белгилари, яъни штампларни қўйилиши орқали рўйхат олинишини ташкиллаштириш зарур. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш марказлари солиқ ва статистика ҳисоботлари бўйича маслаҳатчиси ҳамда бухгалтерларига хизмат кўрсатилётган фермер хўжалиқларининг банк ҳисобварақлари орқали амалга ошириладиган операциялари бўйича айланишлардан кўчирмалар олинишида истисно тартибидеда, ортиқча ҳужжатларни сиз рўхсат бериш мақсадида мувофиқлиги қайд этилди.

Тadbирда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассислари фермер ва деҳқон хўжалиқларида иш билан бандлик, шунингдек, норасмий иш фаолияти билан боғлиқ масалаларда талай муаммолар борлигини айтиб ўтишди. Чунончи, ҳисоботларни юритиш учун фермер хўжалиқларининг банктаги ҳисоб рақами айланишларини назорат қилиб туриш бўйича уларнинг атиги 30 фоиздада мобил ва интернет-банк тизими мавжуд, ҳолос.

Ингиллишда эксперт ва мутахассислар томонидан фермер ва деҳқон хўжалиқларида бухгалтерия ҳамда ҳисоб ишини рисоладагидек йўлга қўйиш, бу борадаги муаммоларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Шунингдек, тadbирда бух-

Зиёда АШУРОВА.

Пахта топширишдаги кўзбўямачилик фош этилди

Юртимизда пахта мавсуми давом этмоқда. Терилган ҳам ашёни пахта тозалаш масканларига топшириш жараёнида ҳар йили алоҳида тайёргарлик асосида ташкил қилинса-да, афсуски, бу борада янгидан-янги фирибгарлик усуллари ҳам қўйлаб топилмоқда. Худди шундай найранглардан бири кишини хайратга солади.

Ҳақ шундаки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан Наманган вилоятининг Поп туманида-

да терилган пахта ҳам ашёсига остига яширилган 1 тонна тупроқ ҳамда қумни ўтказиб бериш аэвазига Шухрат Усмоновдан 300 АҚШ доллари ва 400 миң сўм олиб, қум ҳамда тупроқни жамият

транспорт воситалари ҳар бирида полиэтилен қопларда бўлган 1 тоннадан тупроқ ва қум борлиги аниқланди. Умуман, учта фермер хўжалиги томонидан 3 тонна қум ва тупроқ шу кун со-

нинг ичига 1,8 тонна тупроқ аралаштириб юборилганга қараганда, полиэтилен қопларда бўлган 1 тоннадан тупроқ ва қум борлиги аниқланади.

ПАХТА САКЛАШ МАЙДОНЧАСИДАГИ ПАХТАГА. 1,8 тонна тупроқ аралаштириб юборилган. Полиэтилен қопларда 1 тоннадан тупроқ ва қум борлиги аниқланади.

ти "Поп пахта тозалаш" АЖ мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг жиний режасига нукта қўйилди.

Утказилган тезкор тadbирда пахта топшириш маскани бригадирини Фурқат Раҳимов "Шамсиддин-Дилдора" фермер хўжалиғи-

тилган 9 694,7 миң сўмлик пахта ҳам ашёни ўрнига ўтказилгани аён бўлди. Бу ҳақи ҳаммаси эмас, жамият худудидаги 27-бунтнинг ичига тупроқ уюмлари бор бўлиб, пахта сақлаш майдончасида мавжуд ҳам ашё 1-навга мансублиги ва

жамият худудидаги 27-бунтнинг ичига тупроқ уюмлари бор бўлиб, пахта сақлаш майдончасида мавжуд ҳам ашё 1-навга мансублиги ва

Р. ОТАМУРОВОВ.

Таклиф дардчил, топшириқ халқчил бўлди

Натижа эса бойсунликларни беҳад қувонтирди.

— Ўша менман, — дейди "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибни, Пулхоким қишлоқлик отахон Хонимкул Тощоёв. — Қаранг, давлатимиз раҳбарининг Сурхондарёга келиши, вилоят ахли, хусусан, биз, бойсунликлар учун унутилмас воқеа бўлди. Президентимиз ўшанда дардимизни эшитиб, тегишли ташкилот вакилларига муаммо ечимини топиш бўйича кўрсатмалар берганди. Мен йўналишда кишлоғимизга сув олиб келиш учун бошлангич ишлардан шодланиб гапирдим. Бугун бизни қийнаб келган масала ҳал бўлганидан бошимиз осмонга етди. Ахир биз учун ичимлик суви гўёки чиқиб бўлмас тоғ чўққиси эди-да.

Чиндан ҳам, бойсунликлар учун ичимлик суви — жиддий муаммо. Обиҳаётнинг барқарор таъминоти туман аҳлининг асрий орузига айланганди. Аксарият аҳоли эҳтиёжи учун зарур суви вақти-вақти билан келадиган махсус транспорт воситаларидан сотиб олишар экан қор ва ёмғирдан йиғиб, истеъмол қилишарди.

Отахоннинг таклифи дардчил бўлди, топшириқ эса халқчил. Шундан сўнг мазкур ишга ҳидий қилирилди. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Сурхондарё вилоятининг бойсун тумани аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Ахир биз учун ичимлик суви гўёки чиқиб бўлмас тоғ чўққиси эди-да.

Асосий манба — тоғ булоғи

Бойсун — тоғли туман. Шу билан бирга, унинг булоқлари ҳам кўп. Масала ечимида айтиш шундайлар қўл келди. Ичимлик суви манбаи сифатида денгиз сатҳидан қариб 2 миң метр баланликда жойлашган "Хўжамайхона" булоғи танланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дастлабки ўрганишларга қараганда, унинг сув захираси бир кеча-кундузда 41 миң куб метрни ташкил этиши маълум бўлди. Сувнинг минераллиги эса бир литрда 0,4-0,6 грамм атрофида бўлади. Бу сувнинг ичишга

яроқлиги, яъни стандартга мослигидан далолатларди.

Кайд этганимиздек, туман аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларига ўтган йилдаёқ киришилди. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатувчи вазирлигининг "Ўзбеккоммуналойҳаурилиш" давлат унитар корхонаси лойиҳа беш муҳандиси Фаррух Тўйчибековнинг айтишича, мутахассислар лойиҳа ишлаб чиқишида ўта мураккаб бўлган тоғ рельефини инобатга олган ҳолда, алоҳида ёндашилди. Энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланилди. Натижада тайёрланган бир нечта вариантдан энг мақбули танлаб олинди. Бунёдкорлик ишлари эса "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли Махсус механизациялашган йўл станцияси томонидан бажариладиган бўлди.

Умумий қиймати 58 миллиард сўмлик мазкур лойиҳага кўра, "Хўжамайхона" дан бойсун тумани марказигача 36,4 километр узунликда сув қувурлари тортилиши керак эди. — Айтиш пайта келиб, барча ишлар муваффақиятли адо этилди, — дейди Махсус механизмизациялашган йўл станцияси бош муҳандиси ўринбосари Алибек Самандаров. — Бунга 40 дан ортиқ техника ва механизмлар ҳамда 150 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар жалб этилди. Унинг маълум қисмига ўзоққар, қолганига эса босимли магистраль сув қувурлари ётирилди. Шунингдек, 3 миң куб метр сизимли иккита темир-бетон резервуар ва унга ҳамонан тарзда барпо этилган 6 та насос сувнинг узлуқсиз чиқарилишини таъминлади. Шу тариқа обиҳаёт "ГАЗ" сув тақсимлаш иншоотига йилгилари ва бу ердан қичқ қувурлар орқали қишлоқларга тақдимланди.

Эндиликда Президентимиз ташаббуси ва темир йўллар меҳнати туфайли маҳаллий аҳоли ҳеч қандай қийинчилик

сиз тоза ичимлик сувига эга бўлишяпти. Бинобарин, темир йўлчилар бу борада етарлича тажриба тўплаган. Яъни Қораканлигистон Республикасини Мўйноқ, Қўнғирот, Тошкент вилоятининг Бекобод туманларига тоза ичимлик суви етказиб берилишида уларнинг меҳнати катта бўлди.

Ҳудудига тушириб чиққан вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Шунингдек, тезкор тadbир жараёнида туманди "Олтин замин Расул" ва "Абдурашид ота Т" фермер хўжалиқларининг пахта ҳам ашёлари олиб келинган

Тиббиёт

Италиянинг "Женерал Медикал Мерате" компанияси раҳбари Массимо Сорди бошчилигидаги делегация Сирдарё вилояти ҳокимлигига ташриф буюрди.

5 000 000 долларлик лойиҳа

Италиялик ҳамкорлар "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасида умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларлик тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш лойиҳасини ташкил этмоқчи.

ускуналарини ишлаб чиқариш, уларга техник хизмат кўрсатувчи жаҳондаги етакчи компаниялардан саналади. Шунингдек, масофадан бошқарилувчи столлар, ангиография, маммография ҳамда даволаш бўлимлари учун мўлжалланган ҳаракатланувчи аппаратлар ва ветеринария асбоб-ускуналарини ҳам ишлаб чиқаради.

Ташриф давомида хоржий меҳмонлар худуддаги фармацевтика корхоналари фаолияти билан яқиндан танишилди.

— Санъат анжумани давомида чет давлатларнинг композиторлари уюшмалари ва ассоциациялари билан иждоидий алоқаларни янада

"Женерал Медикал Мерате" компанияси 1953 йилда ташкил этилган. У рентген

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 11 АВГУСТДАН 17 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 11 июлдаги 215-сонли "Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052. (2018 йил 13 августдан қучга кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Туризмин ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 июлдаги 110, 2018-60, 4-қ-сон "Ҳужалик йўртувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлар буйича камайитириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053. (2018 йил 14 августдан қучга кирди). 3. Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги бошлигининг 2018 йил 18 июлдаги 69-сонли "Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспорт ташуши билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль

Санъат



V Халқаро симфоник musiқа фестивали

ёркин таассуротлар билан ўтмоқда

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган ушбу тadbирда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Озарбайжон, Россия, Чехия, Испания, Эрон, Вьетнам, Австралия каби ўндан ортиқ мамлакатлардан бастакорлик уюшмалари ва ассоциациялари раҳбарлари, musiқашунослар, бастакорлар, санъат ихлосмандлари қатнашяпти.

мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорлик меморандумлари имзоланади, — дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси етакчи мутахассиси, бастакор Камолитдин Азимов. — Уларга мувофиқ, келажакда ўзаро дўстлик учрашувлари, симпозиум ҳамда конференциялар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш, халқлар маданиятини ўрганиш, унинг асосида композиторлик иждоидини янада такомиллаштириш, юксак асарлар яратиш, musiқа тарғиботи ишларини ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилади.

У Халқаро симфоник musiқа фестивали концертлари Ўзбекистон давлат консерваторияси залларида ташкил этиляпти. Дастурлардан ўрин олган асарлар Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Давлат академик халқ чоғулари оркестри, "Сўғдиёна" халқ чоғулари камер оркестри, "Omniplus" ансамбли, В. Успенский номидаги РИМАЛнинг Ўспиринлар оркестри ҳамда етакчи жонанда ва созадорлар томонидан ижро этиляпти.

Иштирокчиларнинг Самарқанд musiқа ва санъат коллежида иждоидий учрашувлари ўзида қамраб олгани билан аҳамиятлидир. — Санъат анжумани давомида чет давлатларнинг композиторлари уюшмалари ва ассоциациялари билан иждоидий алоқаларни янада

Юлдуз ЎРМОНОВА.



Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига қараганда, ўтган йили дунё микёсида туризм фаолиятдан 1,323 миллиард АҚШ доллари миқдорда даромад кўрилган. Ўзбекистон 1993 йилда ушбу ташкилотга аъзоликка қабул қилинган бўлиб, ўтган давр ичида соҳанинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилди. Уларнинг изчил ихросини таъминлашга қаратилган саяёҳаракатлар натижасида туроператорлари сони 559, меҳмонхоналар 477 тага етказилди. Бунинг самараси ўлароқ, юртимизга ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан 24,3 фоиз кўп сайёҳлар ташриф буюрди. Умумий туристларнинг 28 фоизи МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, қолганлари дунёнинг турли жойларидан ташриф буюрган.

Туризм

Кайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бу борадаги ишлар янги бошқича кутарилмоқда. Жусуан, "Ўзбекистон бўйлаб саяҳат қил!" дастури ишлаб чиқилгани ички туризмни кенг тарғиб қилишда қўл келаетир. Бинобарин, ички туризм нафақат Давлат бюджетига қўшимча даромад келтиради, балки одамларнинг маънавий оксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Туризм соҳасидаги яна бир йўналиш фуқароларнинг чет элга саяҳатга чиқишларидир. Хорижда билим олиш, малакасини ошириш, ишлаш, соғлигини тиклаш ва дам олишдан жамият ҳам нафақатдор. Чет элда меҳнат қилаётган ватандошларимиз томонидан ҳар йили катта миқдорда пул юборилаётгани фикримиз тасдиқидир. Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон фуқароларининг 7,2 минг нафари муқаддас Ҳаж зиёратига, 100 минг киши эса Умра сафарига бориб келди. Аммо хорижда саяҳат қилиш чет элдан сайёҳлар келиши ва ички туризмга нисбатан кам. Бунга саяҳат қилиш учун рухсатнома олиш ҳужжатларини расмийлаштириш, ташкилий иш-

ларга маслаҳат бериш ахборот воситалари инфратузилмалари етарли эмаслиги сабаб бўляпти. Туризм кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий соҳа бўлиб, мақсади, ташкилий шакли, сайёҳлар сони, ёши, муддати, молиялаштириш манбалари каби йўналишларда уни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу орқали мамлакатимиз туризм салоҳиятини тўлиқ таҳлил қилиб, янада ривожлантириш имкониятларини аниқлаш мумкин. Мисол учун, мақсадига қараб тарихий обидаларни томоша қилиш ва ўрганиш, бизнес, зиёрат, спорт, рекреацион (дам олиш, меҳнат қобилиятини тиклаш), билим олиш, экзотик, экологик, транзит, индустриал, аграр, даволаниш сингари туризм йўналишлари таҳлил қилинса, ташкил этилишига қараб байрамлар, театрлаштирилган шоу, кино ҳамда театр, гастрономик, гуллар фестивали, кўргазмалар, мода, танловлар, олимпиада, халқаро техник салонлар сайёҳлиги ўрганилади. Мамлакатимизда туризмнинг барча турини жорий этиб бўлмайди, албатта. Бироқ мавжудлари имкониятидан ҳам ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган. Масалан, ислом динига эътиқод қилувчи давлатларнинг зиёрат туризмни ўрганиш эвазига сайёҳлар оқими кўпайтириш мумкин. Ваҳоланки, айрим мамлакатларда Ўзбекистондагидек тарихий-меъморий

обидалар бўлмаса-да, юқори натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Индонезияга йилига ўртача 7 миллион нафардан зиёд сайёҳлар келиб, бу ерда ўртача 8 кун бўлишади. Польшада эса кўрсаткич янада юқори: 18 миллион нафар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, кейинги йилларда чет элликларни юртимизга жалб этишга қаратилган ишлар тобора кенгайиб бораётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. "Тошкент сити", "Самарқанд сити" каби бунёдкорлик лойиҳалари, Бухоро ва Хива шаҳарлари марказларида бажарилаётган юмшлар фикримизга асос бўлади. Хитойнинг "Буюк Ипак йўли" ташкилоти билан "Самарқанд сити" комплексини барпо этиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ, 40 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция жалб қилиниб, мажмуа 2019 йилнинг охиригача ишга туширилиши режалаштирилган. Тошкентда жаҳон андозаларига мос равишда чанги учуши, гольф клуби қурилиши бошлаб юборилган. "Қадимги Бухоро" комплексини барпо этиш учун россиялик тадбиркорлар жалб қилинган. Туризм соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари ва амалиётдаги ҳаётий тажрибага асосланиб, тармоқни янада ривожлантириш, тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш мақсадида "Туризм асослари" фани кўникмаларини мактабларда шакллантириш, сайёҳларнинг таклифлари асосида туристик объектларнинг "Ишонч телефони" линияси ва электрон манзилгоҳи, туристик объектларни чуқур ўрганиш учун билимдонлик мусобақаларини ўтказиш, янги туристик объектларни топган ёки барпо этган шахсларни тақдирлаш каби ишларни амалга ошириш айна мудиридир. Тарихий обидаларни таъмирлаш-

UZBEKISTAN Жорий йилнинг 9 ойда мамлакатимизга 3 900 000 нафар чет эл фуқароси ташриф буюрди. Утган йилнинг шу даврида мажмур кўрсаткичи 1 900 000 нафар бўлганини ҳисобга олсак, ўсиш суръати 2 баробар юқори эканлиги аён бўлади.

да архитектор, дизайнер, ЮНЕСКО вакили, тарихчи олимлар ҳулосасига асосланиб, фақатгина рухсатномага эга бўлган, мутахассис-реставратор курувчи ташкилотларни жалб этиш, тарихий обидаларга зиён келтирган юридик шахсларга нисбатан уларни қайта тиклаш билан боғлиқ харажатлар-

нинг жарима тўловлар тизимини жорий қилиш керак. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги азалдан мавжуд бўлган чойхона, масжидларни, қулоллик, касаначилик, ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва уларни туристик объект сифатида ишлатишни рағбатлантириш, диний эътиқод нуқтаи назардан "Ҳалол туризм", "Қошар", "Вегетариан" сингари алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш, зарур инфратузилмани барпо этиш, муқаддас зиёратгоҳларни тарғиб қилувчи видеороликлар тайёрлаш каби ишларни янада жонлантириш даркор. Тарихий обидалар қошида инфратузилма, Wi-Fi зонаси, дам олиш учун етарли даражада ўриндиқ ва соябонлар, ахлат қути-си, биоҳожатхона, телефон ва компьютерларни қувватлантириш ускуналари, такси буюртма бериш жойи, банкومات, автомашиналарнинг тўхташ жойлари каби энг зарур шартноларни яратиш, қария ва ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус пандус, велосипед йўлакчалари барпо этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Сайёҳларга ҳаётини сугурта қилиш имкониятини яратиш, тарихий обидалар қошида дастлабки биринчи тиббий ёрдам пункти, дорихона ташкил этиш ҳам туризм ривожига муҳимдир. Қисқаси, Ўзбекистон сайёҳлик борасида имконияти кенг мамлакат. Уни ривожлантириш эса иқтисодий-туристик барқарорлигини таъминлаш баробарида, юртимизни дунёга танитишда улкан аҳамият касб этади. Ахтам НИЗОМОВ, Самарқанд давлат университети Иқтисодий назария кафедраси доценти.

Спорт

АВСТРАЛИЯГА КИМЛАР БОРАДИ?

Бу ерда гап "яшил қитъа"га борадиган футболчилар ҳақида кетмоқда. 11 — 21 ноябрь кунлари Ўзбекистон миллий терма жамоаси Брисбен шаҳрида навбатдаги йигинни ўтказиб, иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушади.

Жумладан, 15 ноябрда ливанлик футболчилар билан куч синашса, 20 ноябрь кун кучли рақиб — Жанубий Корея терма жамоасига қарши тўп тепади. Жамоа бош мураббийи Эктор Купер Австралиядаги йигинга жалб қилинадиганлар рўйхатини тўзди. Унда Игнатий Нестеров, Анзур Исмоилов, Ислам Тўхтажўаев, Одил Ҳамробеков, Одил Аҳмедов, Икром Алибоев, Достон Ҳамдамов, Элдор Шомуродов, Отабек Шукуров, Жавоҳир Сидиқов, Жалолдин Машарипов ва ягона ҳужум-



чи Марат Бикмаев номини кўриш мумкин. Ушбу рўйхатда Сардор Рашидов, Азиз Ҳайдаров, Виталий Денисов ва Темуржўжа Абдулоқичов каби футболчиларга жой топилмади.

ФАРБ МИНТАҚАСИДА «ДЕВОР»ЛАР МУСТАҲҚАМИ?



Кеча Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш босқичига қўра ташланди. Унга қўра, "F" гуруҳдан жой олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Ҳиндистон, Тожикистон ва Покистон терма жамоаларига қарши тўп суради. Мусобақа регламентига саралаш баҳслари Шарқ ва Фарб минтақасига бўлинган ҳолда ўтказилиши кўрсатилган. Хар икки минтақадаги гуруҳларда 1-ўринни эгаллаган жами 11 терма жамоа қитъа чемпионати тўғрисида тўғри йўл олади. Қолаверса, ўз гуруҳида нисбатан яхши натижа қайд этган тўртта 2-ўрин соҳиби ва мезбонлар — Таиланд терма жамоаси ҳам Осиё чемпионати орқали берилмаган Олимпиада йўлнамаси учун курашга қўшилиди. Эътиборлики, Тошкент шаҳри келаси йил 22 — 26 март кунлари 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати сара-

лаш босқичининг Фарб минтақаси беллашувида мезбонлик қилади. Унда галаба қозонган терма жамоа Таиландга йўл олади. У ерда совринли ўринларни қўлга киритган терма жамоаларга эса "Токио — 2020" Олимпиада йўлнамаси учун аҳолига имкониятга эга. Ахир "ўз уйингда деворлар ҳам ёрдам беради", деган нақл бор. Аммо бу назарий ҳулоса, ҳолос. Уни амалга ошириш ёш чарм тўп соҳиб-ларига боғлиқ.

ПОВНОМИЗ — СОВРИНДОР

Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида давом этаётган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида кеча 89 килограммгача вазн тоифасидаги бахслар бўлиб ўтди.

Унда истеъдодли полвонимиз Зайноддин Махаммадинов даст кўтаришда 156 килограмм натижа кўрсатиб, 2-ўринни эгаллади. Тошни силтаб кўтаришда эса 175 килограммни ўзига бўйсундирди ва кучли ўнналикка кирди. Иккикураш якунига қўра, 3. Махаммадинов 331 ки-



лограмм натижа билан 3-ўридан жой олди. Жаҳон чемпионати 10 ноябрда якунланди.

3. ХОЛОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН



Катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар ҳар қандай давлатнинг етакчи кучи, таъбир жоиз бўлса, бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Фақат уларни тўғри йўлга йўналтириш, пухта таълим бериб, Ватан равнақига ҳисса қўйишга руҳлантириш керак. Яъни навқирон авлод вакилларининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, истиқболли ғоя ва лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жуда муҳим.

Хизмат

молиявий кўмак қўл келди ва тўрт нафар ёш бандлиги таъминланди. Жиззахлик тадбиркор Ш. Очилов эса 149,9 миллион сўмлик кредит эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совиткичи илчам бино бунёд этди. Бу ерда айна пайтда ўзи билан бирга, яна беш нафар тенгқури меҳнат қилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони айна шу эзу ишларга бамисоли қанот бағишламоқда.

«Ўзмилийбанк»: ЁШЛАР СТАРТАПЛАРИ Қўллаб-қувватланмоқда

Фармон ихросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 10 август кунини "Ўзмилийбанк" ҳамда "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ўртасида Бош келишув имзоланди. Унга асосан, ўтган қисқа давр ичида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун жамғарма томонидан 98 миллиард 100 миллион сўм миқдорда ресурс маблағлари ажратилди. Шунинг ҳисобидан "Ўзмилийбанк" томонидан республика бўйича жами 97 миллиард 444,59 миллион сўмлик 660 та бизнес лойиҳа молиялаштирилди. Натижада 2 712 та иш ўрни яратилди. Тошкент шаҳрилик А. Абролов дастур шарофати билан бизнес лойиҳасини йўлга қўйган фаол ёшлардан биридир. Бунда 1,5 миллиард сўмлик Банк матбуот хизмати.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 71 728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғамалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" напирет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбугчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова. Навбатчи — Д. Қаримов. Мусаҳҳих — С. Исмолов. "Шарқ" напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.35 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6